

Туркманистондаги “дўзах дарвозаси” ҳақида эшитганмисиз?



16:30 / 19.05.2021 6280

Аллоҳ таоло оловни Ўзига маълум бўлган ҳикматга кўра яратган. Роббимиз оловни биз бандаларининг баъзи эҳтиёжлари учун ҳам ато қилган. Оловда таом пиширамиз, сув иситамиз, уйимизни иситамиз. Шунингдек, олов охиратдаги дўзахни эсга соладиган воситалардандир. Аллоҳ таоло охиратдаги дўзахни кофиру мушриклар, мунофиқлар учун тайёрлаб қўйган.

У Зот Қуръони Каримда шундай деб марҳамат қилган:

نُوْثِنُ الْمُنْحَنِمَ اِهْتَرَحَشْ مُتْأَشِنَا مُتْنَا نُوْرُوْتِ يْتَلْ رَانْلَا مُتْ يْأَرْفَا
نِيْ وَوَقْمَلْلْ اَعَاتَمَّوَّ ةَرْكَدَتْ اِهَانْلَعَجُ نَحْنِ

Ўзингиз ёқадиган ўтти ўйлаб кўринг-а! Унинг дарахтини сиз яратганмисиз ёки Биз яратувчимизми? Биз у(олов)ни эслатма ва йўловчилар учун манфаат қилиб қўйдик. (Воқеа сураси, 71-73-оятлар)

Туркменистонда маҳаллий аҳоли томонидан “дўзах дарвозаси” деб аталган кратер (чуқурлик) бор. Ер ости гази тўпланган мазкур кратер 1971 йилда собиқ шўро геологлари томонидан кашф этилган.

Ўша пайтда газ ташқарига чиқиб одамлар ва ҳайвонларга зарар етказмаслиги учун уни ёқиб юборишга қарор қилинди. Олимлар олов бирикки кунда ёниб тугайди деб ўйлашган, аммо улар адашган экан. кратердан чиқаётган олов 1971 йилдан то шу кунга қадар туну кун ёнишдан тўхтамади. Уни узоқроқдан ҳам кўрса бўлар экан.

Оловли кратернинг диаметри тахминан 100 метрни, чуқурлиги 50 метрни ташкил этади. Баъзи манбаларда унинг диаметри 69 метрни, чуқурлиги 20 метрни ташкил этиши айтилган.

Image not found or type unknown



Бугунги кунда ушбу кратер хорижлик ва маҳаллий сайёҳлар келадиган жойлардан бирига айланган.

Мазкур кратерга тушган одам ёки ҳайвоннинг тирик қолиши қийин. Кратер ичидан чиқаётган оловнинг тили 15 метр баландликкача етади.

2013 йилда канадалик сайёҳ Жорж Коронис кратер намуналарини йиғишга маваффақ бўлди. унинг тадқиқотлари кратер тубида сайёрамиз юзасида мавжуд бўлмаган бактериялар борлигини аниқлади.


Адий ибн Ҳотим розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дўзахни зикр қилдилар, ундан паноҳ сўрдилар ва юзларини бурдилар. Сўнг яна дўзахдан паноҳ тилаб,

юзларини икки-уч марта бурдилар. Сўнгра: «Дўзахнинг оловидан бир хурмонинг ярми билан бўлса ҳам сақланинглари. Агар шуни ҳам топа олмасангиз, ширин сўз билан бўлса ҳам», дедилар».

Ушбу оловли кратерни кўриб, дўзахни эсга оламиз.

Image not found or type unknown



Аллоҳ таоло барчамизни дўзах олови азобидан асрасин! Садақа, ширин сўз ва бошқа солиҳ амалларни қилиб, дўзахдан озод этилганлар қаторида бўлишимизни насиб этсин!

Ибн Аббос розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам уларга ушбу дуони худди Қуръондан бир сурани таълим бергандек таълим берар эдилар: «Аллоҳим!

Мен Сендан жаҳаннам азобидан паноҳ сўрайман. Мен Сендан қабр азобидан паноҳ сўрайман. Мен Сендан Масийҳи Дажжолнинг фитна­сидан паноҳ сўрайман. Мен Сендан ҳаёт ва мамот фитна­сидан паноҳ сўрайман».

Демак, биз мўмин-мусулмонлар жаҳаннамдан, қабр азобидан, дажжол ва ҳаёт-мамот фитналаридан паноҳ сўраб, Аллоҳ субҳанаҳу ва таолога ёлворишимиз, дуо қилишимиз лозим.

Islom.uz, Quran-m.com, darakchu.uz маълумотлари асосида

Нозимжон Ҳошимжон тайёрлади